

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

252 Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 23 августдаги ПҚ–1602-сонли қарорига ўзгартишлар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қонунчилик ижросини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2014 йил 24 июлдаги ПФ–4636-сонли Фармонига **мувофиқ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 23 августдаги ПҚ–1602-сонли қарорига иловага мувофиқ ўзгартишлар киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й.

2. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б. Коканбаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2015 йил 15 май,
ПҚ–2347-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2015 йил 15 майдаги
ПҚ–2347-сонли қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон
Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада
такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил
23 августдаги ПҚ–1602-сонли қарорига
киритиладиган ўзгартишлар**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 23 августдаги ПҚ–1602-сонли қарорига:

а) 2-бандида:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;
тўртинчи — ўн иккинчи хатбошилар тегишли равишда учинчи — ўн биринчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 3-бандида:

биринчи — тўртинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;
бешинчи — ўнинчи хатбошилар тегишли равишда биринчи — олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

иккинчи хатбоши қўйидаги мазмундаги иккинчи ва учинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

«давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норма ижодкорлиги амалиётини тизимли асосда текширишлар ўтказиб, ўрганиб боради;

тадбиркорлик субъектлари, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш мақсадида давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмаларининг ҳуқуқни қўллаш амалиётини тизимли асосда ўрганиб боради»;

учинчи — олтинчи хатбошилар тегишли равишда тўртинчи — еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

в) 4-бандининг иккинчи хатбошидаги «190» рақами «160» рақамига алмаштирилсин;

г) 1-иловада:

7-бандида:

иккинчи хатбошидаги «давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи на назорат тузилмалари фаолиятида қонунийлик» сўзлари чиқариб ташлансин;

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи — ўн учинчи хатбошилар тегишли равишда учинчи — ўн иккинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

8-бандида:

8.2-кичик банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

8.8-кичик бандида:

саккизинчи хатбоши чиқариш ташлансин;

тўққизинчи ва ўнинчи хатбошилар тегишли равишда саккизинчи ва тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

10-бандида:

иккинчи хатбошидаги «шу жумладан, прокуратура органлари» сўзлари чиқариб ташлансин;

тўққизинчи — ўн учинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

ўн тўртинчи — қирқинчи хатбошилар тегишли равишда тўққизинчи — ўттиз бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

ўн саккизинчи хатбошидаги «шу жумладан, жиноий, фуқаролик, хўжалик ва маъмурий ишлар материаллари» сўзлари чиқариб ташлансин;

йигирма тўртинчи хатбошидаги «қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш» сўзлари чиқариб ташлансин;

11-бандининг учинчи хатбошидаги «ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва», «терговга қадар текширув, жиноят ишлари материаллари ва яқка тартибдаги ҳужжатлар бундан мустасно» сўзлари чиқариб ташлансин;

14-бандининг икки хатбошидаги «беш нафар ўринбосарлари» сўзлари «тўрт нафар ўринбосарлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

15-бандида:

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

бешинчи — ўн олтинчи хатбошилар тегишли равишда тўртинчи — ўн бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;


17-бандининг тўртинчи хатбошидаги «давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмалари фаолиятида қонун ҳужжатларига риоя этилишини самарали назорат қилиш ва мониторингни амалга ошириш, уларнинг амалга оширилишини таъминлаш» сўзлари чиқариб ташлансин;

д) 3 — 6-иловалар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2011 йил 23 августдаги
ПҚ–1602-сон қарорига
3-ИЛОВА

252-модда

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги марказий аппарати ТУЗИЛМАСИ



Жами: Бошқарув ходимларининг чекланган сони 160 киши.

* Изоҳ: Департамент директори, Департамент ва унинг худудий бўлимлари ходимлари Марказий аппаратнинг умумий штатлар сонига қирмайди.

— 20 —

20 (676) -сон

**Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги
ТУЗИЛМАСИ**



Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2011 йил 23 августдаги
ПҚ-1602-сон қарорига
5-ИЛОВА

252-модда

Вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларининг НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ



— 22 —

20 (676)-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2011 йил 23 августдаги
ПҚ-1602-сон қарорига
6-ИЛОВА

**Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги,
вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларининг
бошқарув ходимларининг
ЧЕКЛАНГАН СОНИ**

Т/р	Худуд номи	Штат бирликлари сони
1.	Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги	32
2.	Андижон вилоят адлия бошқармаси	29
3.	Бухоро вилоят адлия бошқармаси	29
4.	Жиззах вилоят адлия бошқармаси	28
5.	Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси	30
6.	Навоий вилоят адлия бошқармаси	28
7.	Наманган вилоят адлия бошқармаси	29
8.	Самарқанд вилоят адлия бошқармаси	35
9.	Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси	30
10.	Сирдарё вилоят адлия бошқармаси	28
11.	Тошкент вилоят адлия бошқармаси	36
12.	Фарғона вилоят адлия бошқармаси	32
13.	Хоразм вилоят адлия бошқармаси	28
14.	Тошкент шаҳар адлия бошқармаси	38
ЖАМИ		432

».